

Туман ҳокими таълим муассасалари фаолияти билан танишмоқда



Ҳафталик иш режасига кўра, Термиз туман ҳокими Шухрат Назаров тумандаги таълим муассасалари фаолиятини ўрганишда давом этмоқда.

Навбатадаги манзил, туманнинг “Орол” маҳалласидаги 1176 ўринга мўлжалланган 3-сонли умумтаълим мактабида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Мазкур таълим муассасасида вилоят ҳокими ташаббуси билан таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Қурилиш ишлари учун 7 млрд сўм маблағ йўналтирилган.

Шундан сўнг, туман ҳокими “Ат-Термизий” маҳалласидаги 420 ўринли 22-сонли умумтаълим мактабида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Ўрганиш давомида туман ҳокими Шухрат Назаров қурилиш ва таъмирлаш жараёнларини сифатли яқунлаш бўйича масъулларга бир қатор таклиф ва тавсиялар бериб ўтди.